Ушбу сонда:
2 *Масала кўндаланг қўйилади* САНСАЛОРЛИК
3 АСОСИЙ САРФ-ХАРАЖАТ касаба уюшма ҳисобидан
4 *2003 йил — Обод маҳалла йили* МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 21 май, чоршанба № 79 (1504)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТОШКЕНТДА УЧРАШГУНЧА ХАЙР!

Хоразм вилоятида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2003» иккинчи республика спорт ўйинларининг финал-мусобақалари ниҳоясига етди

Бир ҳафта давомида республикамиз аҳлининг эътибори 14-20 май кунлари мустақил Ўзбекистоннинг спорт, саломатлик ва бахтиёр болалик «пойтахти»га айланган кўҳна Хоразм воҳасига қаратилди. Шу вақтгача дунёнинг бирон мамлакатида бунча кўп ёш спортчи тўпланмаган бўлса керак. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 2600 нафардан зиёд энг кучли, чаққон ва эпчил ёш авлод вакили бу ерда спортнинг 12 тури бўйича 80 га яқин мукофот тўплами учун ўзаро мусобақалашди. Улардан 300 нафарга яқини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу ўйинлар чемпиони ҳамда совриндори бўлди.

Мусобақаларни кузатиб борган мутахассислар якдиллик билан иштирокчиларнинг спорт маҳорати юксалиб бораётганини таъкидламоқда. Бироқ «Умид ниҳоллари-2003» ўйинларининг асосий ютуғи фақат шундагина эмас. Хоразмда финал ўйинлари бошлангунга қадар ушбу мусобақаларнинг Ўзбекистоннинг барча шаҳар, туман ва вилоятларида бўлиб ўтган дастлабки босқичларида ҳар ўн нафар мактаб ўқувчисидан тахминан тўққизтаси иштирок этди. Мазкур ўйинлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган болалар ва ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спортга жалб қилишнинг уч поғонали тизимининг биринчи ва энг муҳим бўғини, баркамол авлод камолоти йўлида ҳукуматимиз кўрсатаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Бу ердаги байрам шукуҳи эса ўйинларга ўзгача завқ бахш этди. Бу - мусобақа иштирокчилари учун ноёб маданиятимиз билан яна бир бор танишиш, мамлакатимиз, халқимизнинг бой тарихи, буюк келажагига бевосита дахлдорлик туйғусини англаш байрами бўлди. Ҳар кеча Урганчдаги «Авесто» истироҳат боғи амфитеатрида мусобақаларнинг айрим турлари бўйича ғолиблар ва совриндорларни тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Уларга кескин ва муросасиз кечган спорт беллашувида қўлга киритилган медаллар, дипломлар, ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилиб, сўнгра Хоразмнинг энг яхши профессионал ва ҳаваскор бадиий жамоалари байрам концерти намойиш этди.

Мусобақалар жадвали ғоят тиғиз бўлишига қарамай, ёш спортчилар қадимий Хивани, ноёб тарихий «Ичан-қалъа» музей-қўриқхонаси ва воҳанинг бошқа кўплаб эътиборга сазовор жойларини томоша қилиш имконига эга бўлди. Шунингдек, мусобақалар иштирокчилари мароқли дам олиши учун ҳар куни турли шоулар, дўстона учрашувлар уюштирилди. Улар ҳамма жойда самимий меҳмондўстлик билан кутиб олинди.

20 май куни кечқурун «Хоразм» спорт мажмуи стадионида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2003» ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими ҳам ана шундай кўтаринки кайфият, халқимиз бирдамлиги, кучли ва соғлом ёш авлод учун фахр-ифтихор руҳида ўтди.

... Мусиқа садолари янграйди ва 20 мингга яқин киши сиғадиган стадионнинг улкан таблосида «Умид ниҳоллари-2003» ёзуви, марказий трибуналарда кетма-кет мусобақалар рамзи ва бошқа спорт рамзларининг тасвири пайдо бўлади. Кўплаб рангли байроқчалардан иборат ушбу рамзлар тасвирини саккиз минг нафар Урганчдаги мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари бошқариб турди.

Сўнгра карнай ва сурнайлар садолари остида стадионга «Умид ниҳоллари-2003» мусобақалари иштирокчилари - Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар терма жамоалари тантанали кириб келади. Ёпилиш маросимини олиб борувчи бу ерга тўпланганларни ҳар бир жамоанинг қўлга киритган спорт ютуқлари билан таништирди, чемпионлар ва совриндорлар номини ўқиди. Стадионда сафда турганлар орасида бугунги кундаёқ Ўзбекистон шарафини турли халқаро мусобақаларда шараф билан ҳимоя қилаётган, шунингдек, «Умид ниҳоллари» ўйинлари орқали катта спортга қадам қўяётган кўплаб спортчилар ҳам бор.

Ва ниҳоят, энг ҳаяжонли дақиқалар - ғолибларни тақдирлаш маросими бошланди.

Мусобақаларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри спортчиларига мукофотларни Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов ва халқ таълими вазири Р.Жўраев топширди. Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2003» ўйинлари иштирокчиларига берилган энг фахрли мукофот - бу мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов табригининг асл нусхасидир. Шунингдек, пойтахт терма жамоасига мамлакатимиз раҳбари номидан «Матиз» автомобили тухфа қилинди.

Иккинчи ва учинчи ўринни эса Хоразм ва Фарғона вилоятлари ўзаро бўлишиб олди. Хоразмликлар «Дамас» автомобили, фарғоналиклар компьютер тўплами билан тақдирланди. Ғолибларга диплом ва мукофотларни Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов, Миллий олимпия қўмитаси раиси А.Носиров топширди.

Шунингдек, мусобақалар иштирокчиларининг катта гуруҳи рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. Хоразм вилояти футбол жамоаси ўйинчиси Мансур Авезов «Умид ниҳоллари-2003» ўйинларининг «Футбол юлдузи» мукофотига сазовор бўлди. Наманган вилоятининг волейбол бўйича қизлар терма жамоаси «Ғалабага бўлган иродаси учун» совринин билан тақдирланди. Хоразмлик гимнастикачи Наргиза Пирниёзова эса «Умид ниҳоллари» ўйинларида илк марта топширилаётган «Нафосат маликаси» мукофотига сазовор бўлди. Навоий вилояти сузувчилар жамоаси аъзоси Антон Тишченко «Энг кўп медаллар соҳиби» мукофотини қўлга киритди. Фарғоналик Улуғбек Эркабоев белбоғли кураш бўйича энг тезкор ғалабаси учун «Мардлик ва юксак иштиёқ учун» мукофотига сазовор бўлди.

Стадион узра турли ранглар шуълалари пайдо бўлади. Прожекторлар нурлари Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва «Умид ниҳоллари» ўйинлари байроғини ёритади. Республика мактаб ўқувчилари спорт ўйинлари иштирокчиларининг ғалаба рамзи бўлган мусобақа машъаласи ҳам аста-секин сўна бошлайди. Стадион трибуналарида минглаб мўъжаз чироқлар порлайди.

Сўнгра прожекторлар майдонда «Умид ниҳоллари» ўйинлари байроғини кўтариб келаётган мусобақа мезбонлари сари қаратилади. Улар ўзлари учун азиз бўлиб қолган байроқни келаси йили «Умид ниҳоллари» эстафетасини қабул қиладиган Тошкент вилоятининг ёш спортчиларига тантанали равишда топширади.

Шўх куй-наволар остида ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқиши бошланади. Байрам стадионда йиғилганлар жўрлигида Юлдуз Усмонова ижросидаги «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» қўшиғи билан якунланди.

Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2003» мусобақалари ўз ниҳоясига етди. Мусобақалар давомида кўплаб юқори натижалар кўрсатилди, ўнлаб ёш иқтидорли спортчилар аниқланди. Энг муҳими, ёш спортчилар мамлакатимизда ватанпарвар, озод ва обод юрт фарзанди эканидан кўкси баланд авлод камол топаётганини яна бир бор ёрқин намойиш этди.

«Умид ниҳоллари-2003» ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

Т.ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири

УМИД ВА НИҲОЛИЯ

бахтли ота-оналар янги туғилган фарзандларига шундай исм қўйдилар

Хоразмдан махсус мухбирларимиз Абдулҳай ЮНУСОВ ва Эркин ЭРМАТОВ хабар қилади.

«Умид ниҳоллари» мусобақалари якунланди. Беллашувларнинг сўнгги кунида жамоавий спорт турлари – футбол, волейбол, баскетбол ва қўл тўпи бўйича финал баҳслари бўлиб ўтди.

Ўтган йилги мусобақаларда саккизинчи ўрин билан кифояланган хоразмлик ёш футболчилар бу сафар финал баҳсида Тошкент шаҳри жамоаси билан куч синашди. «Хонқа» ўйингоҳида кечган қизиқарли ўйиннинг асосий қисмида ҳисоб очилмади. Пенальтилар баҳсида эса омад мезбонларга кулиб боқди: Кейинги совринли ўрин Жиззах вилояти футбол жамоасига насиб этди. 4:3.

Айтганча, хоразмликларнинг бош мураббийи Вали Султонов учун шу куни қўшалоқ байрам бўлди. Уч нафар қизнинг отаси Вали ака хонадонида ўғил фарзанд дунёга келди. Мураббий орзиқиб кутилган ўғилга яхши ният билан Умид дея исм қўйди. Шунингдек, худди шу куни туғилган қиз чақалоқни Ниҳолия деб атадилар.

Мусобақа ўнлаб ўсмир-қизлар ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирди. Жумладан, қизлар ўртасидаги стол тенниси мусобақалари иштирокчиси Марина Цой ажойиб совғага эга бўлди. Пешқадамлар сафидан жой олган Марина «Пахтакор» ширкат хўжалигининг саноат касб-ҳунар коллежи спорт залида гулдаста ва совғалар билан тақдирланди. Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ туманилик ўнинчи синф ўқувчиси Марина Цойни тенгдошлари нафақат спортда қўлга киритган ютуқлари, балки 16 ёшга тўлганлиги билан ҳам кутлашди. Ўйинлар давомида Хоразмда мамлакатимизнинг кўплаб шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган бир неча юзлаб мактаб ўқувчилари ўзларининг туғилган кунларини нишонлашди. Уларга мусобақа ташкилотчиларининг совғалари топширилди.

Баскетбол бўйича баҳсларнинг ҳал қилувчи беллашувлари Урганч Давлат университети спорт залларида ўтказилди. Бу спорт тури бўйича ҳам Тошкент шаҳри ва Хоразм вилояти вакиллари ўзаро финалда дуч келдилар. Фақат бу сафар хоразмлик баскетболчи ўсмирлар 60:82 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди. Учинчи ўрин учун кечган Андижон – Бухоро жамоалари беллашувида водийлик ўсмирлар ғолиб чиқдилар. Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди: Наманган – Фарғона - 56:42 (5-ўрин учун), Самарқанд – Қашқадарё - 62:36 (7-ўрин учун), Жиззах – Навоий - 46:40 (9-ўрин учун), Сирдарё – Тошкент вилояти - 38:40 (11-ўрин учун).

Қизлар ўртасидаги баскетбол баҳсларида Тошкент шаҳри жамоаси мезбонлар устидан ғалаба қозонди. Учинчи ўрин эса бухоролик қизларга насиб этди.

Ҳазорасп туманидаги спорт иншоотларида бўлиб ўтган ўғил болалар ўртасидаги волейбол учрашувларидан сўнг Тошкент шаҳри, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари шоҳсупага кўтарилди. Ўсмирлар ўртасидаги қўл тўпи баҳсларида Тошкент шаҳри, Хоразм ва Андижон вилоятлари жамоалари совринли ўринларни қўлга киритишди.

Шундай қилиб, бир ҳафта давом этган «Умид ниҳоллари – 2003» спорт ўйинлари ниҳоясига етди. 175 очко тўплаган пойтахтлик ўқувчи ёшлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди. Хоразм ва Фарғона вилоятлари терма жамоалари эса кейинги ўринларни эгаллашди. Наманган, Андижон, Бухоро ҳамда Тошкент вилоятлари вакиллари ҳам мусобақаларда фаол иштирок этдилар.

Фаолларимиз ҳақида ҳикоялар

ЎЗГАЛАР ТАШВИШИДА

Дўстлик туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасида бўлганимизда, бошланғич ташкилот етакчилари ҳақида матбуотда кам ёзилаётганлигини айтиб қолишди.

– Мана, масалан, Тожихолни олайлик. У ўзининг ташкилотчилиги, уддабуронлиги, жонкуярлиги билан жамоасида, қолаверса, туманимизда ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Иложи бўлса, ўша киши ҳақида ёзинг, - дейишди.

Опа билан учрашишга аҳд қилдим. Қиш кунларининг бирида у яшаётган хўжаликда бўлиб, қишлоқ айландик. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Бир-биридан шинам ва кўркам ҳовли-жойлар, маъмурий-маиший бинолар. Бир томонда мактаб-боғчалар, иккинчи томонда маданият саройлари. Электр энергияси, табиий газ, тоза ичимлик сувидан қишлоқ аҳли баҳраманд.

– Хўжалигимиз боғдорчиликка ихтисослаштирилган. Ер фермер ва пудратчиларга бўлиб берилган. Шу боис шартномадан ортиқча маҳсулотларни бозорларда сотаяпмиз, - дейди ҳамроҳим, «Истиқлол» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Тожихол Беймуродова. –Одамларимизнинг яшаш тарзи ўзгарган.

Ҳа, хўжалик меҳнаткашлари опа таъкидлагандай, фаровон яшаш учун меҳнат қилишмоқда. Минг гектардан зиёд ер майдонлари 43 та фермер хўжаликларига бўлиб берилган. Бу ерда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Узумзор ва олмазорлар кўзни яшнатади. Тўғри, хўжаликнинг рентабеллик даражаси анча паст. Шундай бўлсада, ишчиларнинг қўли пул кўрмоқда, моддий манфаатдорлиги ошмоқда. Бунда албатта, касабақўм раиси Тожихол Беймуродованинг ҳиссаси катта бўлаётир. Мана ўн олти йилдирки, касаба уюшма етакчиси. Одамларнинг иссиқ-совуғидан хабардор. Доимо ишчилар ёнини олади. Ўрни келса моддий ёрдам беради. Бундан ташқари иш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, кам даромадлиларни ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, маданий ва спорт тадбирлари раиснинг назаридан четда қолаётгани йўқ. У касабақўм фаоллари билан биргаликда аҳоли талаб-истакларини ўрганади. Бунинг натижасида мавжуд 5 та дала шийпонида ишловчиларни хўжалик ва фермерлар ҳисобидан бепул иссиқ овқат билан таъминлашга эришилди.

Соғломлаштириш ишларида ҳам касабақўмнинг ўз ўрни бор. Ҳар йили 5-6 нафар ишчига сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар бериб турилади. Ўтган йили Бахмал туманидаги «Дўстлик» болалар оромгоҳида меҳнаткашларнинг 24 нафар фарзанди дам олдирилди. Жамоа шартномасида оромгоҳ ва сиҳатгоҳ харажатлари хўжалик бошқаруви ва фермер хўжаликлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилган.

Касабақўмнинг ташаббуси билан қишлоқдаги Маданият саройи қошида ёшлар маркази ташкил этилди. Айни чоғда бу ерда турли тадбирлар ўтказиб турилибди.

– Опа, хўжалик раҳбари штат қисқартирилди, деб мени ишдан бўшатди, - деди бир куни тоза ичимлик суви тўплаш ва узатиш иншооти ишчиси Субҳон Туркманов. – Жўжабирдай жон бўлсак. Ёрдам берсангиз.

Касабақўм раиси хўжалик раҳбари ва кадрлар бўлими билан бу масалани шу куниёқ ижобий ҳал қилди. Натижада 8 ойдан буён бўш юрган Субҳон Туркманов ва Рустам Тоштемировлар касабақўм аралашуви билан ўз ишларига қайта тикландилар.

Опанинг бундай савобли ишлари талайгина. Хусусан, касалманд, ногирон ва ёлғиз кексаларнинг уйларига бориб, ҳол-аҳвол сўраб туришни канда қилмайди. Унинг таклифи билан 9 нафар ёлғиз кексага, 1 нафар уруш қатнашчисига, 3 нафар ногиронга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериб келинмоқда.

Опа оиласидан тинчиган. 3 нафар фарзанди уйли-жойли. У ўз иши орқасидан обрў топди, иззат-икромга сазовор бўлди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

АРЗОН ВА ХАРИДОРГИР

Шофиркон туманидаги «Наргиза» савдо ишлаб чиқариш фирмаси зардўзлик, патдўзлик, каштачилик маҳсулотлари билан эл назарига тушган. Унда тайёрланган маҳсулотлар арзон ва ҳаридоргирлиги билан ҳам эътиборлидир.

Фирмага тадбиркор Мавлуда Ражабова етакчилик қилмоқда. Унинг 50 нафар ишчиси фирма равнақи йўлида меҳнат қилади. Мавлуда опанинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш борасидаги саъй-ҳаракати ҳам яхши самара бермоқда.

Суратларда: тикувчи Д.Эгамова; қизлар иш устида

С.ЗУФАРОВ
(ЎзА) олган суратлар

Рейд

2. ВИЛОЯТЛАРАРО ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ

ундан одамлар мамнунми?

Ҳар куни йўловчиларни манзилга элтиш мақсадида қанчадан-қанча автобуслар йўлга чиқади. Автоуловлар хизматидан фойдаланаётганларнинг нияти битта – тезроқ эсон-омон кўзланган ерига етиб олиш. Шубҳасиз, соҳа жонкуярларининг меҳнатидан мамнун бўлаётганлар кўп. Аммо кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, фақат ўз манфаатини ўйлаётган, кўпроқ йўловчи олиб, кўпроқ пул топишга рўжу қилаётган автобус ҳайдовчиларининг айби билан одамлар йўлда турли қийинчиликларга дуч келишаяпти, қолаверса, аҳён-аҳёнда бўлса-да, кўнгилсиз ҳоллар содир этилмоқда.

Рейд жараёнида йўл варақаси қоидага зид равишда, номигагина тўлдирилган, ҳали бирон марта бўлсин узоқ масофага йўлга чиқмаган кишилар транспорт воситасини бошқараётган, эскирган, таъмирга муҳтож автобусларни таваккал қилиб ҳайдаётган, бу билан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини ташвишга солаётган ҳолатлар кўпроқ кўзга ташланди.

Маълумки, йўл транспорт ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш борасида самарали ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, 15 апрелдан 15 майгача республикамизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилиши муҳим аҳамият касб этди. Амалга оширилган саъй-ҳаракат натижасида, айниқса, Хоразм ва Бухоро каби қатор вилоятларда бу борада камчиликлар кўпроқ кўзга ташланаётганлиги маълум бўлди. Масалан, йўловчи ташиш автобуслари техник носоз ҳолда бўлишига қарамасдан манзилга етиб келгач, яна керагидан ортиқ йўловчи олиб, уни орқага қайтаришга уринишади. Ахир дам олиб, ҳордиқ чиқармаган ҳайдовчи белгиланган манзилга ҳеч қандай кўргиликсиз етиб боради, дея ким ҳам кафолат бера олади. Аслида Вазирлар Маҳкамасининг 378-сон қарорининг 4-бандига асосан ҳайдовчининг иш вақти 12 соатдан ортиқни ташкил этадиган бўлса, унинг дам олиши учун жой жиҳозланиши ва қатнов икки ҳайдовчи билан амалга оширилиши керак.

Буни ҳамма билади, бироқ амал қилишни унутишади. Оқибати маълум. Қаранг, ўтган бир ярим йил мобайнида Тошкент-Хоразм-Қорақалпоқ йўналиши бўйича қатновчи автобусларнинг 18 таси Газли ҳудудида авария содир этган. Бухоро вилоят ЙҲХБ техник-назорат бўлими бошлиғи, милиция капитани А.Рўзиевнинг таъкидлашича, шулардан 13 таси хусусий автобуслардир. Биттасининг тезлиги ғоятда юқори бўлганлиги боис тўхтаб турган юк машинасига келиб урилган. Ёки ноқонуний тарзда киракашликка берилган «Матиз» русумли машина ҳайдовчиси ухлаб қолиб, йўлдан чиқиб кетган... «Кубан» русумли 23 С 3316 давлат рақам белгили, 23 А 5918, 23 С 6730, ПАЗ 672 русумли 23 С 6445 давлат рақам белгили автобусларда ўтказилган текширувлар жараёнида ҳам малакасиз ҳайдовчилар рулга ўтирганлигини, техник носоз, лицензия ва ҳаракат йўналишлари йўқлигининг гувоҳи бўлдик. Ажабланарлиси шуки, мазкур автобус ҳайдовчиларига йўналиш тақиқланган манзилларга қатнаётганлиги неча бор огоҳлантирилган бўлишига қарамай улар ўз билганларидан қолишмаяпти.

Қонунбузилишлар Қорақалпоқ-Ҳазорасп йўналиши бўйича ҳам кўплаб учради. Баъзида йўловчилар хавфсизлигини ўйлаб, носоз автобуслар орқага қайтарилиб юборилаяпти. Лекин буни кимлардир баъзида нотўғри тушунишади, «амаллаб етиб олардик, кўпни сарсон қилманг» дейишгача боришади. Инсон табиати шунақа, нотўғри, ноқонуний ҳатти-ҳаракат оқибатини кўрмагунча тавба қилмайди.

Биргина ҳаракат хавфсизлиги ходимлари амалга ошираётган ишлар билангина кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Демоқчимизки, муҳим иш фақат ДЙҲХХ тизимидаги кишилар вазифасига киради, деб қарамасдан, бу масалага кенг жамоатчилик жалб этилиши керак. Яна шундай ҳам бўладики, баъзи ҳолларда йўловчиларнинг ўзлари ҳайдовчини шошилтиришади. Ярим йўлда қолиб кетиб, минг азобда манзилга етиб олганларидан сўнг хатоларини тушунишади.

Йўлга чиқишнинг масъулияти катта. Қанчадан-қанча умри азизларни белгиланган жойга эсон-омон етказиб бориш ҳайдовчидан юксак даражада масъулият, хизмат бурчига садоқат, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишни талаб этади. Носоз автобус зинҳор йўлга чиқмаслиги керак. Муҳим ишда таваккалчилик кетмайди. Ўзибўларчилик эса кўнгилсизлик келтириб чиқаради, холос.

Икром БОБОЖОНОВ,
Хоразм вилояти ЙҲХБ техника назорати бўлими бошлиғи, милиция майори
Роза САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» махсус мухбири

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Ижтимоий ҳимоя

КОНЧИ ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Бойсун «Қора марварид»ининг донғи узоқ-узоқларга кетган. Кон захирасининг кўплиги ҳамда кўмирининг сифати юқорилиги эътиборга молик. Бойсун кўмири саноатимиз ривожи учун муҳим хомашё эканлиги ҳисобга олиниб бу кўҳна замин узра темир йўл тортиб келинаяпти.

Айни пайтда Бойсун кўмир кони ҳиссадорлик жамиятида 74 нафар ишчи ишлайди. Унга истеъдодли мутахассис Ўрол Назаров раҳбарлик қилади. Ҳозирги вақтда корхона жамоаси зиммасига тумандаги узоқ қишлоқ хонадонлари, тиббиёт муассасалари, мактаб ва боғчаларга кўмир етказиб бериш вазифаси юклатилган. Улар бу ишни ўз вақтида амалга оширилишини таъминламоқдалар. Essa кончилар тўртта кўмир қазиш ҳавзасида ишлар олиб бориб, кунига 40-50 тонна кўмир қазиб чиқаришга эришяптилар.

Бу ерда пешқадам кончилар А.Шоимов, А.Эсанов, П.Ҳайитов, З.Норқулов ўзларининг катта маҳоратларини кўрсатмоқдалар. Аҳил жамоадаги бир жиҳат киши диққатини тортади. У ҳам бўлса, маъмурият касаба уюшмаси томонидан ишчиларга яратилган шарт-шароит. Ҳар куни кончиларни узоқ Тўда конларига етказиб бериш учун махсус автобус хизмат кўрсатмоқда. Ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси С.Шодиевнинг эътироф этишича, меҳнат аҳлининг ижтимоий муҳофазаси яшаш ва меҳнат қилиш шароитини таъминлаш бобида анчайин ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида касаба уюшмаси маъмурият билан келишилган ҳолда қарийиб юз минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатган. Спортни ривожлантириш учун 47500 сўм, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат таътилида кўнгилдагидек дам олишлари учун доимий бир ойлик маоши миқдорида ёрдам пули бериб борилганлиги фикримизнинг ёрқин мисолидир. Бундан ташқари, ҳар бир ходимга 3 тонна арзонлаштирилган кўмир бериш, тўй-маъракаларни жамоа бўлиб ўтказиш, етарли миқдорда моддий томондан қўллаб-қувватлаш анъана бўлиб қолган. Ёки байрамларни нишонлаш одат тусини олган. Тўрт нафар кончига сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаш учун йўлланма олиб берилди.

Касаба уюшмаси ижтимоий ҳимояни кучайтириб, жорий йилда маданий-оқартув ишлари учун 78204 сўм, фаолларни тақдирлаш учун 35547 сўм, жисмоний тарбия ва спортни кенгроқ йўлга қўйишга 85314 сўм, ишчиларга моддий ёрдам сифатида 92423 сўм ажратди. Шунингдек, маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида устоз ва мураббийлик анъаналарини давом эттириб, фахрий кончиларни ҳам рағбатлантириш, уларнинг иш услубларини оммалаштиришга эътибор қаратилмоқда. Байрам тадбирларида таклиф этилиб, кекса кончиларга совғаларнинг сараси улашилади. Бундан ташқари, бу йил жамоа бўлиб, вилоятдаги зиёратгоҳларга саёҳат уюштириш, Термиз шаҳрида ўтадиган футбол беллашувида иштирок этиш масалаларини доимий назорат қилиш бевосита касаба уюшмасининг иш мезонига айланган.

А.РАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ

Самарқанддаги илм масканларида қандай ташкил этилган?

Келажакдаги тараққиётни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат туфайли таълимга эътибор кучайди. Мактабларнинг ўқув негизи мустаҳкамланди, таъминот яхшиланди. Бунинг устига таълим муассасаларига молиявий фаолиятда эркинлик берилиши имкониятлар доирасини кенгайтирди. Эндиликда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаётган ёки эҳтиёжларига зарур пулнинг ҳеч қурса бир қисмини топаётган мактаб жамоалари кўп. Самарқанд вилоятида ҳам бундай мисоллар анчагина.

Моддий-маънавий аҳволнинг яхшиланиши ўз-ўзидан таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўқувчилар турли фанлар бўйича олимпиадаларда, кўрик-танловда эришаётган натижалар фикримизнинг далилидир. Ёшларни ҳаётга тайёрлашда, касбга йўналтиришда меҳнат таълими алоҳида ўрин тутади.

Меҳнат таълими дарсларини ташкил қилиш, ўқувчиларга бу борада билим бериш, ўқув устахоналари имкониятларидан фойдаланиш Оқдарё, Самарқанд туманларида анча яхши йўлга қўйилган дейиш мумкин. Масалан, Оқдарёдаги 24-мактаб ўқув устахонасида киши кўзини қувонтирадиган жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда. Дурадгорлик, мебелсозлик малакасини эгаллаган ўқувчилар таълим муассасасига ҳам бевосита фойда келтирмоқдалар. Самарқанд туманидаги 9-мактабда эса қизлар учун ўқувчи либоси тикиш йўлга қўйилган.

– Тарбиянинг энг муҳим, самарали омилларидан бири меҳнат ҳисобланади. Шунинг учун меҳнат таълими дарсларининг сифати юқори бўлишига интилаяпмиз, - дейди мактаб директори Сожида Насриева. – Мактабимизнинг ўқув устахоналари етарлича жиҳозланган. Дастгоҳ-ускуналар, асбоб-анжомлар етарли. Ўқувчиларимиз металшунослик, дурадгорлик, зардўзлик, тикувчилик сирларини ўрганишмоқда. Мактаб либослари ҳар хил ва бу ерда тайёрланаётган дудланган маҳсулотлар боғчаларга етказиб берилмоқда.

Бундай имкониятлар бошқа мактабларда ҳам мавжуд бўлиб, ўқитувчилар оқилона иш тутган жойларда икки томонлама самарага эришилаяпти. Хусусан, Самарқанд туман мактаблари ишидан ибрат олса арзийди.

Энди бир туман миқёсидан чиқиб, умумий масалалар хусусида мулоҳаза юритайлик. Мактабларда фрезер, йўниш, чархлаш, пармалаш каби бир неча хил дастгоҳлар, тикув машиналари бор. Булардан тўғри, унумли фойдаланилса дурустгина ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлиш мумкин. Бинобарин, фақат хомашё топиб мактабларни таъмирлаш, ўқув жиҳозларини тайёрлаш, ҳатто бошқа муассасаларга, аҳолига хизмат кўрсатса бўлади. Фақат бунинг учун мактабнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан уста (ёки устахона мудири) лавозимини жорий қилиш, малакали амалиётчи мутахассисни жалб этишга тўғри келади.

Аммо ана шу имкониятдан фойдаланишга айрим ҳолларда ҳафсала етишмаяпти. Бузилган дастгоҳларни таъмирлаш, созлаш пайсалга солинмоқда. Баъзилар эса хомашё, материал йўқлигини рўкач қилишади. Ҳолбуки, тадбиркорлик орқали буюртмачилар йиғиш, хомашё учун маблағ топишнинг ҳам иложи бор.

Мактаблар ўқув устахоналари имкониятларидан етарли фойдаланилмаётганининг сабаблари, бизнингча шундаки, бу масалага мактабни ривожлантириш дастурида муносиб ўрин берилмаган кўринади. Иккинчидан, меҳнат дарсларини ўтиб турган ўрта маълумотли усталарнинг таълим жараёнидан (мактабдан) четлаштирилиши ўқув устахоналари иши тўхтаб қолишига олиб келди. Фикримизча, меҳнат дарсларини олий ёки ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар ўтса-да, ўқув устахоналаридаги амалий ишни маълумотидан қатъи назар малакали усталар юритсалар, айни муддао бўлур эди. Бу бир мулоҳаза, холос. Ҳар ҳолда мазкур масаланинг бирор тарздаги оқилона ечимини топиш зарур.

Инсоний хислатларнинг, фазилатларнинг шаклланишида ҳар қандай меҳнатнинг аҳамияти беқиёс. Айниқса, болалар ўз меҳнатининг маҳсули, натижасини кўрса, бунинг жамоага нафи тегишини англаса, улар янги-янги бунёдкорликка ижодкорликка ўзида рағбат ҳис қилган бўлардилар, албатта. Ахир ўз меҳнатинг самарасини кўрганга нима етсин. Айниқса, бу ёш, ҳаётга энди кириб келаётган авлод онгида ўзгача ўзгариш ясаши табиий бир ҳолдир.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

СУВ МУАММОЛАРИ ЭЪТИБОРДА

АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилаётган Марказий Осиёда табиий заҳираларни бошқаришни такомиллаштириш дастури (NRMP) мутахассислари ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда деҳқон-фермер хўжаликлари вакилларининг Фарғонада ўтказилган давра суҳбатида сув заҳираларидан самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Республиканинг кўпгина минтақаларида ичимлик сувининг етишмаслиги сабабли, дастур мутахассислари ҳал этишга киришган асосий масалалардан бири, жамоатчиликка ва маҳаллий ҳокимият идораларига сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг муҳимлигини кўрсатишдир, - деди NRMP ходими Жон Бакстер “Туркистон-пресс” мухбирига. Уюшма ташкилий тузилмаси маҳаллий маъмурият билан шерикчилик тарзида тузилади. Уюшманинг асосий вазифаси хўжаликлараро суғориш тармоқларидан фойдаланишни яхшилашдан иборат.

Айни пайтда USAID Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги кўпгина фермер хўжаликларини ўз ичига олган олтита уюшмани қўллаб-қувватламоқда. Бунда сув сарфини ўлчаш ва сув заҳираларини бошқаришнинг замонавий услубини ва сувни узатишда тақсимлаш тизимини янги конструкцияларини амалда татбиқ этиш, тупроқ намлигини ўлчашнинг осон усулларини қўллаш киради.

NRMP мутахассисининг таъкидлашича, бу янгиликлар 30 фоиз сувни тежашга имкон беради. Фермерлар ўз даромадларини кўпайтириб каналлардан фойдаланиш харажатларини қоплашлари мумкин. Тахминларга кўра мазкур усул танлаб олинган майдонларда йилига 3 миллион доллар иқтисодий самара бериши мумкин.

Қилмиш-қидирмиш

ЯШИРИЛГАН РАНГЛИ МЕТАЛЛАР

Ангор туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан жиноий ишлар сонини камайтириш ҳамда бартараф этиш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида кутилган натижага эришилмоқда.

— Мамлакатимизда амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиб ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам фойда келтираётган, юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун фидойилик ила меҳнат қилаётган фуқароларимиз кўплаб топилади, — дейди туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи С.Норбўтаев. — Бироқ, минг афсуски, ноқонуний йўллар билан бойиш хаёлидаги кишилар учраб турибди.

Дарҳақиқат, яқинда бўлим ходимлари ўтказган тезкор тадбир натижасида «Мустақиллик» ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Маданият» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Шокир Ачилов ўз уйида ҳарбий техника эҳтиёт қисмларидан иборат 1400 килограмм мис ва алюминий рангли металларини сотиш учун сақлаётганлиги аниқланди. Ушбу рангли металлар қонуний ҳал қилиш мақсадида далилий ашё сифатида олиб қўйилди. «Чучварани хом санаган» Ш.Ачиловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 171-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

И.ҲАСАНОВ
олган сурат

Тадбир

«КИЧКИНТОЙ –2003»

митти юлдузларни кашф этди

Истиқлол йилларида инсон саломатлиги, хусусан авлодлар баркамоллиги давлатнинг устувор сиёсат йўналишларидан бирига айланди. Соғлом авлодни камолга етказишнинг энг асосий омилларидан бўлган спортга эътибор кучайди. Президентимиз ташаббуси билан болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, қолаверса, мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос равишда ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари бу жараёнда янада муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу хайрли тадбирларга ҳамоҳанг тарзда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам республикада спортни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида спортни оммалаштириш, бу орқали уларнинг саломатлигини муҳофаза этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Касаба уюшмалари томонидан ўтказиб келинаётган «Саломатлик» республика спартакиадаси, тармоқларда ташкил этилаётган кураш, теннис каби турнирлар, оилавий мусобақалар ҳамда эстафеталар шулар жумласидандир.

Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳам тармоқ меҳнаткашларини спортга ошно этиш йўлида ибратли тадбирларни ташкил этиш билан бирга уларнинг фарзандларини ҳам унутаётгани йўқ. Куни кеча тармоққа қарашли «Учқун» спорт мажмуида бўлиб ўтган ўн ёшгача бўлган болалар ўртасидаги «Кичкинтой – 2003» теннис бўйича Республика турнири фикримиз далилидир.

Таъкидлаш лозимки, мусобақаларга «Ўзфармсаноат» Давлат акциядорлик концерни бош ҳомийлик қилмоқда. Марказий қўмита мусобақалар билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш, уни ўтказиш масалаларида таъсисчилардан бири сифатида ўз ёрдамини аямади. Дарвоқе, бунда Ўзбекистон Теннис федерацияси ҳамкорлиги ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Мақсад эса битта: «Кичкинтой»да корт майдонига тушган ўғил-қизларга келгусида халқаро мусобақаларда қатнашишлари учун замин яратишдир.

Юқори савияда ташкил этилган спорт тадбирида республикамизнинг барча вилоятларидан 64 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Ўғил болалар ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда биринчи ўрин тошкентлик 1993 йилда туғилган Сергей Шипиловни қарши олди. Иккинчи ўрин ҳам пойтахтлик иштирокчи – Игор Ривчинга насиб этди. Самарқанд шаҳри вакили Дмитрий Николаев учинчи ўринга сазовор бўлди.

Қиз болалар баҳсида эса 1994 йилда туғилган Алиса Огородова пешқадам бўлди. 1993 йилда туғилган Каролина Черная иккинчи, Елена Зенко учинчи ўринни эгалладилар.

Биринчи ўрин ғолиблари «Sony» телевизори, иккинчи ўрин эгалари видеомагнитафон, учинчи ўрин соҳиблари аудиомагнитафон билан тақдирландилар. Бундан ташқари, турнирнинг барча иштирокчиларига тармоқ Марказий қўмитаси таъсис этган ҳисоблаш калькуляторлари топширилди. Мусобақа сўнгида «Турнир гўзали», «Ғалабага бўлган иродаси учун» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

М.ЎРМОНБЕКОВА,
ЎзКУФК матбуот котиби

ИШБИЛАРМОНЛАР ТАЯНЧИМИЗ

Бугунги кунда республикамизда «Обод маҳалла йили» давлат дастури асосида кенг кўламдаги ободонлаштириш, хайр-саховат ишлари амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Қатортол» маҳалласида ҳам бу борада қатор хайрли тадбирлар бажарилаяпти. Маҳаллада истиқомат қилаётган 430 нафар кўпни кўрган нуронийлар ҳамда ёрдамга муҳтож оилаларга доимий равишда ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ана шундай кам таъминланган оилаларда ўтказилаётган турли тўй, маросим ва маъракаларга маҳалла ҳудудида жойлашган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноат-қурилиш моллари билан савдо қилувчи шохобчалар ҳомийлик қилиб келаяпти. Шу билан бирга «Сомон тўй» кафе-ошхонаси жамоаси ҳам яккаёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларга меҳр-саховат ёрдамини кўрсатмоқда.

– Саховатпеша тадбиркорларимиз кўплаб топилади. Уларнинг беминнат кўмаги билан кўплаб муаммоларни бартараф этишга муваффақ бўлаяпмиз. Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, фаолларимиз, нуронийлар ва ички ишлар органлари ходимлари, посбонлар, шунингдек, таълим муассасалари билан ҳамкорликда ёшларимиз ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳалламиз тинчлигини сақлаш борасида олиб бораётган ишларимиз ҳам ўз самарасини бераяпти, – дейди маҳалла қўмитаси раиси Гулсина Гарданова.

Шохруҳ САРИЕВ

Масала кўндаланг қўйилади

САНСАЛОРЛИК

оқибатида кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлар манфаатига путур етмоқда

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш шарофати ила кичик ва ўрта бизнес, фермер хўжаликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланди ва такомиллаштирилди.

Хусусан иқтисодиёти ривожланаётган, ишчи кучларига талаб катта бўлган Қашқадарё вилоятида тадбиркорликни тараққий эттириш, деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этиш ва уларга ер ажратиш, моддий техникавий таъминотини яхшилаш, хизмат кўрсатувчи ва тайёрловчи корхоналар билан муносабатни йўлга қўйишда анча силжишларга эришилди.

Бироқ мавжуд аҳволни кўнгилдагидек деб баҳолашга ҳали эрта. Амалга оширилаётган ишлар республикамизда қабул қилинган «Ер кодекси», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)», «Фермер хўжалиги», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунлари талабларига ҳали тўлиқ жавоб бермайди.

Айрим туманларда ҳокимликлар томонидан фермер хўжалиги тузмоқчи бўлган баъзи фуқароларга вақтида ер ажратиб берилмаяпти. Тадбиркорларнинг аризаларини кўриб чиқиш пайсалга солинмоқда. Масалан, ўтган 12 ой ичида вилоят адлия бошқармасига 136 та ариза ва шикоят тушган. Уларнинг 54 таси кредит, 30 таси ер ажратиш, 20 таси солиқ идораларининг ҳаракатларидан норозилик, 10 таси ер майдони олиб қўйилганлиги ва 21 таси бошқа масалалардаги шикоятлардан иборат. Тадбиркорларнинг талаблари атрофлича ўрганиб чиқилиб 32 ҳолатда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. «Ишонч» телефонлари орқали мурожаат қилган 33 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилди.

Айрим ҳолларда янги иш бошлаган тадбиркорлар қатор муаммоларга дуч келишаяпти. Бундай ҳолат тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишда кўплаб учрамоқда. Масалан, Косон туманидаги «Мурод бобо» фермер хўжалиги бошлиғи П.Норбоев техника воситалари сотиб олиш учун 2000 йил 5 февралда «Тадбиркорбанк» туман бўлимидан бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 1 миллион 50 минг сўм имтиёзли кредит беришни сўраган. Бироқ орадан икки йил ўтса ҳам фермернинг аризаси кўриб чиқилмаган. Сансалорликдан безор бўлган тадбиркор ҳисоб рақамини бошқа банкка кўчириб кетган. Ушбу ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, фермер хўжалигига етказилган 8620 сўм моддий зарар ундириб берилди.

Касби тумани ҳокимлиги мансабдор шахсларининг айби билан «Талишбе» ширкат ҳудудида А.Гулмуродовнинг фермер хўжалиги ташкил этиш хусусидаги аризасини кўриб чиқиш бир йил муддатга пайсалга солинган. Охир-оқибат рўйхатга олиш асоссиз равишда рад этилган. Гулмуродовнинг ҳуқуқини муҳофазалашни сўраб хўжалик судига қилган мурожаати қаноатлантирилди.

Яккабоғ туман солиқ инспекцияси томонидан «Лолазор» фермер хўжалигига Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талаблари қўпол равишда бузилиб, идентификация рақами 12 кун кечиктириб берилган.

Косон туманидаги «Чироқчи» ширкати ҳудудида тузилган ака-ука Ёрқуловлар фермер хўжалигига 36,6 гектар ажратилган ер майдони ҳеч қандай асоссиз 5 гектарга камайтириб расмийлаштирилган.

Кичик ва ўрта бизнес самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш айниқса муҳим. Тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, уларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш учун адлия бошқармаси томонидан судларга 31 та даъво аризаси киритилди. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга доир қонун ҳужжатларининг бузилиши юзасидан шаҳар, туман ҳокимликлари, назорат қилувчи органлар ва тегишли мутасадди ташкилотларга 69 та тақдимнома юборилди. 59 та мансабдор шахсларга интизомий жазо чоралари қўлланилди. 6 нафари вазифасидан озод қилинди.

Фермер хўжаликлари тузиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кредитлар ажратиш Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, амалдаги қонунларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Афсуски, баъзи бир мансабдор шахслар фуқароларнинг ҳақли мурожаатларини вақтида кўриб чиқмаётирлар. Улардан кераксиз ҳужжатларни талаб этиб, сарсон қилмоқдалар.

Хўжалик юритувчи 887 та субъектда шартномаларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилганда 3 миллион 64 минг сўмлик шартнома нотўғри тузилганлиги аниқланди. Оилавий пудратчилар, деҳқон-фермер ва ширкат хўжаликлари, шунингдек, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга 308 та даъво аризаси киритилди. Шундан 218 таси қаноатлантирилиб, 415 миллион 150 минг сўм ундирилди.

Таъкидлаш жоиз, тадбиркорлар, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги ишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини қатъий туриб ҳимоя қила олишмаяпти.

Қонун олдида барча баробар. Тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш – ҳар бир мутасадди учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» махсус мухбири

Оромгоҳлар мавсумга шайми?

АСОСИЙ САРФ-ХАРАЖАТ

касаба уюшма ҳисобидан

Оромгоҳдаги етишмовчиликлар Турсунбой аканинг кўнглига кўпдан буён оғир ботиб келарди. Деворлар нураб кетган, ёрдамчи биноларнинг деразa-ромлари кўпорилган, йўлакларни ўт-ўланлар босиб ётарди.

Ёзги мавсум давридаги ишкалликларни айтмайсиз. Гоҳ ичимлик сув қувури ишдан чиқар, гоҳ озиқ-овқат таъминотида узилишлар бўлар, хуллас, оромгоҳ номигагина ишлаётган бўлиб, болакайлар яйраб-яшнаб дам ололмасди. Бош директор бу муаммоларнинг ечимини изларди. Ниҳоят у туман ҳокими номига ушбу оромгоҳни қўшма корхона тасарруфига олиш ҳақида мурожаатнома жўнатди.

Ҳоким директорнинг оромгоҳни таъмирлаб «қаторга қўшишига» ишонч ҳосил қилди. Лекин ширкат хўжаликлари ишчиларининг фарзандлари қаерда дам олади, деган савол ҳокимни ўйлантирарди. Чунки Балиқчи туманида яккаю-ягона болалар оромгоҳи шу эди.

Хуллас агросаноат мажмуига қарашли 3 гектарлик оромгоҳ Алишер Навоий интернешнл – Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси балансига ўтказилганлиги тўғрисида қарор имзоланди. Ўша йилиёқ 72 миллион сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ошхона, ётоқхоналар, сув ҳавзаси, футбол ўйингоҳи, аллея ва йўлаклар қурилди. Гулзорлар ва бошқа маданий-маиший объектлар барпо этилди. Сув ва газ тармоғи тортиб келинди. Оромгоҳ 2002 йил 1 июл халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида иш бошлади. Уч сменада 1000 нафардан зиёд бола ёз мавсумини яйраб-яшнаб ўтказди.

Яқинда оромгоҳда бўлдик. Бу ерда ҳамма нарса болаларга мунтазир. Бошқача айтганда, оромгоҳ дам олиш мавсумига тахт қилиб қўйилган. Бу йил 1200 боланинг дам олиши режалаштирилган. Жумладан, 240 ўрин қўшма корхона ишчиларининг, 900 ўрин тумандаги мавжуд 7 та ширкат хўжалиги мулкдорларининг фарзандларига ажратилган. 300 ўринли ошхона, 240 ўринли ётоқхона дам олувчиларга интиқ бўлиб турибти.

Спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, оромгоҳ 4 миллион сўм атрофидаги спорт анжомлари билан таъминланди. Футбол ўйингоҳи, теннис корти, волейбол, баскетбол майдонлари мусобақаларга шай.

Бу ерда 30 ўринли тиббиёт хонаси қуриб битказилди. Тез-тиббий ёрдам кўрсатиш учун ҳамма шарт-шароит муҳайё. Бир миллион сўмлик дори-дармонлар заҳирада сақланмоқда.

Дам олувчиларни овқатлантириш ишлари ҳавас қилгудек. Ўтган йили ҳар бир болага 900 сўм харажат қилинганди. Бу йил бу рақам 1300 сўмга етказилди.

Болаларнинг бўш вақтлари кўнгилочар ўйинлар, касб-ҳунар ўрганиш машғулотлари билан мазмунли ўтади. Тикув-бичув, каштачилик, рассомчилик тўгаракларӣ, компьютер хоналари шулар жумласидандир. Бундан ташқари бу ерда ўйин усулида чуқурлаштирилган инглиз тилини ўрганиш ташкил этилади.

Болалар онги-шуурига миллий истиқлол мафкураси сингдирилгандагина ворисларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган, салоҳиятли, фидойи кишилар бўлиб вояга етадилар. Шу мақсадда маънавият ва маърифат хонаси қуриб битказилди. Телевизор, компакт дискалар, аудио, видео ёзувлар ёрдамида «Ватан битта - Ватан ягонадир», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Қиз ибоси билан», «Мардлар қўриқлайди юртимизни», «Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз» мавзуида жонли мулоқот давра суҳбатлари, кечалар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Эътиборлиси, оромгоҳ табиат қўйнида жойлашган. Катта Андижон каналининг зилол сувлари, салқин ҳаво уфуриб туради. Ям-яшил арчазор, теракзорлар шовуллаши дам олувчиларга завқ бағишлайди.

– Оромгоҳ ишларини ташкиллаштиришда, - дейди директор Турсунбой ака Ҳамидов, – вилоят касаба уюшмалари тармоқ қўмитаси раиси Ёқубжон ака Жўраевнинг хизматлари катта бўлди. Чунки оромгоҳни малакали тарбиячи кадрлар билан таъминлаш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, болаларнинг хавф-хатарсиз ҳордиқ чиқаришини уюштиришда у киши билан ҳамкорликда ишладик. Натижада нафақат вилоят, балки Республикада ажратилаётган йўлланмаларга энг арзон нархлар белгиланган. Бир дона йўлланма учун бор-йўғи 5-6 минг сўм атрофида пул тўланаяпти. Қолган сарф-харажатлар касабақўмнинг ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан қопланаяпти.

Ўтган йили ушбу оромгоҳда 100 нафар Оролбўйи минтақасидан келган болалар худди ўз уйларидагидек ҳордиқ чиқардилар. Биргина ўтган йили корхона маблағи ҳисобидан тумандаги 24 ногирон бола оромгоҳда соғлигини яхшилади. «Улуғбек» фермер хўжалигининг ҳиммати билан болалар дастурхонидан олма-нок узилмади. «Абдуғани» фермер хўжалиги оромгоҳга боғдорчилик маҳсулотлари билан ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ҲАМШИРАЛАР МУСОБАҚАСИ

Ҳар бир тиббий ҳамшира нафақат ўз соҳасида, балки адабиёт, санъат ва бошқа йўналишларда ҳам етук билимга эга бўлиши керак. Ана шунга эришишда улар ўртасида ўтказилаётган турли кўрик-танловлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Яқинда Республика «Шошилинч ёрдам» илмий тезкор марказида бўлиб ўтган кўрик-танловда ҳам ҳамшираларнинг бу борадаги билимлари синаб кўрилди.



– Бу каби тадбирларни муттасил ўтказиб туриш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда, - дейди бошланғич касаба уюшма қўмитасининг раиси Наргиза Орипова. – Чунки айни вақтда бемор билан мулоқотда бўладиган ҳамширалар кўп қиррали билимга эга бўлиши шарт ва биз бунга маълум даражада эришмоқдамиз.

Танлов шартлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турди. Ундаги ҳар бир иштирокчи шахсий ҳаёти, истиқомат қилаётган жойи ҳақида маълумот бериши, мамлакатимизда содир бўлаётган тарихий ўзгаришлар ҳамда ислоҳотлардан хабардор бўлиши талаб этилади. Шунингдек, улар Ўзбекистон Конституцияси, республикамиз қонунлари ва тарихи, давлат тузилиши ҳамда рамзларига оид маълумотларни мукаммал даражада билишлари ҳам шарт эди.

Танлов иштирокчилари бу тадбирга пухта ҳозирлик кўришди. Қатнашчилар ўз касб маҳоратлари, интеллектуал билим даражалари юқори эканлигини намойиш этишди. Натижада зукколарнинг зуккоси, ўз касбининг усталари Лилия Макаренкога биринчи, Гулбаҳор Ҳимматовага иккинчи ва Саодат Собитовага учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиблар фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Н.РАФИҚОВ

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН

Қорақалпоғистон республикаси Қизил ярим ой жамияти томонидан Кегейли туманидаги 1 519 та кам таъминланган оилаларга 9 миллион сўмлик пойабзаллар топширилди.

-Ушбу хайрия тадбири “Қурғоқчилик” дастури бўйича амалга оширилмоқда,-деди Қорақалпоғистон Қизил ярим ой жамияти кенгаши раиси Ободон Бозорбоева “Туркистон-пресс” мухбирига.- Дастурда сил касаллигига қарши кураш назарда тутилиб, ўтган йили 1800 оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, туман ҳудудидаги 14та қишлоқ шифокорлик пунктларига ва болалар поликлиникаларига 62 миллион сўмлик дори-дармонлар ва сув тозаловчи ускуналар олиб берилди. Мазкур тадбир Чимбой туманида ҳам ўтказилди.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

СЕРОБГАРЧИЛИК

бунга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз Наманган бозорига киринг

Одатдагидек иш кунининг охирларида рўзғор ташвиши билан «Чорсу» деҳқон бозорига тушдим. Кийинишлари-ю кўринишлари пойтахтдан келишганлиги шундоқ билиниб турган эр-хотиннинг мен тўхтаган жойдаги суҳбатлари қулоғимга чалинди:

- Нарсалар намунча арзон, - дерди аёл мамнун оҳангда. - Бизда, ахир икки баробар қиммат-ку!

Наманган боғ-роғлар маскани деганларича борда, онаси, - эркак жавоб қайтарди. Одамларининг ширин сўзларини-ю озода кийиниб олишганликларини айтмайсизми!

Меҳмонларнинг ҳавас қилишларича бор. «Чорсу» Наманган шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган ўнга яқин бозорнинг бири, аниқроғи, бош савдо тармоғи. Кейинги тўрт-беш йил ичида бозор кўриниши бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам, катта қулайликлар яратилди. Биринчи навбатда бозорнинг ҳар икки дарвозаси ўртасида қад ростлаган икки қаватли иморат /павильон/ ушбу савдо-сотиқ тармоғининг чинакам кўркига айланди.

Расталар оралаб қолсангиз минг хил кишмишу майизлар, хандон писта-ю олма қоқилар, олтинранг туршаклару бош бармоқ катталигидаги жийдалар, бошқа ўнлаб турдаги ноз-неъматлар нигоҳингизни ўғирлайди.

Буларнинг асосий қисми Наманган замини маҳсулоти ва шу боисданки, сероб ва шу боисданки нисбатан анча арзон.

Дарвозадан киришингиз ҳамон кўзга ташланадиган 500 ўринли муҳташам сабзавот павильони ўтган йилда янгиланди.

— Иқтисодий ислоҳотлар шарофати билан ва давлат томонидан ҳунармандчилик ривожи учун кенг йўл очиб берилганлиги ҳамда тадбиркорлик тараққий этаётганлиги бозорни тағин ҳам кенгайтиришни тақозо қилмоқда,- дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳ. Абдуллаев. — Шу туфайли Намангансой устида қурилган замонавий темир-бетон кўприк ва Уйчи кўчасининг ўша ёққа олинганлиги муносабати билан бўшаб қолган ҳамда бозор дарвозаси ёнида ўтган кўча ўрни ҳам бозорга қўшилди. Шу имкониятдан фойдаланиб миллий ҳунармандчилик савдо-сотиғи учун усти ёпиқ раста қурилди. Ҳозир шу ерда ва унга туташ майдон ўрнида 2 мингга яқин харидор ўрни бунёд қилинди.

Бозорда сотувчи ва харидор учун зарур шарт-шароитлар яратиш билан бир қаторда озодалик,тартиб-интизом ва савдо қоидалари бажарилиши масаласига эътибор янада кучайди. Сотувчиларни зарур воситалар, жумладан, тош-тарозилар, халатлар билан таъминлаш ҳамиша диққат эътиборда.

Маъмурият ҳузуридаги махсус гуруҳ буларни қаттиқ назорат қилиб ва кузатиб боради. Бозор ичкарисига кундузилари транспортнинг киришига йўл қўйилмайди. Маъмурият ихтиёридаги 50 га яқин аравача юк ташиб киритиш ва ташиб чиқариш билан шуғулланади.

Бозордан қайтарканман, ҳалиги эр-хотин меҳмонлар мулоҳазасини кўнгилдан ўтказдим. Наманган-даги «Чорсу» деҳқон бозорида ҳақиқатдан ҳам кўпгина маҳсулотлар арзон. Нега? Саволга яна ўзим жавоб топгандай бўламан. Биринчидан, вилоят халқи мева, сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уни узоқ сақлашнинг устаси. Қолаверса, уларни тезроқ пуллаш ва тағин келтириш учун зарур бўлган барча имкониятлар яратиб берилгани. Яна бир жиҳати шундаки маҳсулотнинг қўлдан қўлга ўтавермаслиги устидан назорат кучайтирилганлиги. Зеро, бозор довруғини оширадиган манба аслида ана шу омилларда эмасми!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ЖАРАЁН ВА МОҲИЯТ ТАЛҚИНИ

Ироқда уруш тугади. «Шонли армияси» ҳақида бот-бот жар солган, Ироққа ҳужум бошланса, халқ тинч қараб турмаслиги тўғрисида керилиб баёнотлар берган Саддам Ҳусайн ва унинг сафдошлари қисқа вақтда мағлубиятга учради. Ушбу операция тайёрланаётган, бошланган, давом этган кезларда дунё аҳли сиёсат майдонида ким аслида ким эканлигини яққол кўриш имконига эга бўлди. Операциянинг якунларидан эса янада бой хулоса чиқариш мумкин.

Аввало, АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалиция нима учун Ироқда ҳарбий операция ўтказганини яна бир бор эслайлик. Саддам Ҳусайн ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида БМТ нозирлари билан мушук-сичқон ўйнаб келди. Халқаро ҳамжамият хоҳиш-иродасига бўйсунмай, оммавий қирғин қуролларини яширди. Унинг беписандлигига қанча чидаш мумкин, қабилидаги табиий саволлар туғилди. Сўнгги йилларда, айниқса 2001 йил 11 сентябрдан кейин дунёда юзага келган вазият шошилинч ва қатъий чора кўришдан ўзга илож йўқлигини кўрсатди.

Гап шундаки, 11 сентябр воқеалари террор таҳдиди мислсиз даражада катталашганига аянчли ишора бўлди. Самолётларнинг бинога урилиши, кейин касаллик келтириб чиқарувчи кукунлар тарқалиши миллионлаб одамларни ларзага солди. Шундагина кўпчилик сиёсатчилар узоқроққа назар ташлаб, террор бундан-да даҳшатли жиноятга қодирлигини аниқ кўра бошлади. Унинг дунёвий миқёсдаги хавфини теран англаб етди. Террорчилар оддий портловчи модда ё бир мисқол кукун эмас, оммавий қирғин қуролини худди шу тарзда ишга солиб, Нью-Йоркдек улкан шаҳарда бир неча бино эмас, барча иморатларни вайрон қилиш, бир неча минг киши эмас, миллионлаб одамни ҳалок этишдан ҳам қайтмайди.

Бундай даҳшатли воқеа юз бермаслиги учун унинг олдини олиш керак, албатта. Ўзбекистон Президенти террорнинг бу йўсинда ривожланиб, кенг қулоч ёйишини анча аввал кўра билганди. Ислом Каримов йиллар мобайнида БМТ минбаридан, турли йирик халқаро анжуманлардан фойдаланиб, жаҳон ҳамжамиятини халқаро террор хавфидан огоҳ этиб келди, унга қарши жипслашишга даъват этди. Мамлакатимиз раҳбари биринчи бўлиб БМТ ҳузурида халқаро аксилтеррор маркази тузиш ташаббусини илгари сурди. Лекин айрим сиёсатчилар бу ташаббусдан фақат ўз мамлакатининг ҳарбий-сиёсий манфаатларига хизмат қиладиган блоклар тузишда фойдаланишга уринди. Дунёвий миқёсда ишловчи ҳақиқий аксилтеррор маркази тузиш вазифаси ортга сурилиб келаверди.

Ҳатто ҳозир ҳам масалага бундай юзаки қараш тўхтагани йўқ. Сиёсатдан анча узоқ соҳалар вакилларининг анжуманларида ҳам якуний ҳужжатда «аксилтеррор вазифалар»ни учратиш мумкин.

МДҲ доирасидаги воқеалар ҳам яхши мисол бўла олади.

Шу боис ҳам Ўзбекистон халқаро террорчиликка қарши чинакам бирлашувни бошлаб берган АҚШни бошидан қатъий қўллаб-қувватлади. Бу борада иккиланиш мумкин эмасди. Чунки АҚШ Ўзбекистон раҳбари бир неча йил давомида куйиниб гапириб келган ишни, умумий иллатга қарши курашда дунё давлатлари бошини қовуштириш вазифасини ўз зиммасига олганди.

Терроринг асосий уясига айланган Афғонистон халқаро коалициянинг биринчи нишони бўлди. Одамлар кўнглига ғулғула солиш, саросима, хавотир уйғотишга уриниш билан коалицияни бу йўлдан қайтармоқчи бўлганлар ўшанда ҳам кўп эди. Нафақат террорчиларнинг ўзи, айрим сиёсатчилар ҳам «кўтаринки руҳ билан» ҳар қандай зарба муносиб қаршиланиши, операция узоқ чўзилиши ва кўп қон тўкилиши ҳақида гапирди.

Лекин Афғонистон борасида кўпчилик «мутахассислар» эълон қилган башоратлар ўз тасдиғини топмади.

Ироқдаги воқеалар ҳам шу йўсинда ривожланди. Саддамнинг «минтақадаги энг қудратли армияси», кўнгилли ироқликлар ва четдан келган мужоҳидларнинг аёвсиз курашга шай тургани бот-бот такрорланди. Коалиция аскарлари ё қочиб чиқиши, ё уйига тобутда қайтиши айтилди.

Ҳозир ўша «мутахассислар» қандай аҳволда экан? XXI аср ҳарбий техникасига қарши 60-йилларнинг қолдиқлари билан курашиб бўлмаслигини улар билмасми эди? Гап техникада ҳам эмас. Йиллар давомида эзилган курдлар, шиалар, Саддам истибдодидан зада бўлган бошқа миллат ва элатлар вакиллари мустабид томонида туриб жангга киришининг ўзи ҳар қандай мантиққа зид эди. Истибдоддан роҳат кўрган бир тўда содиқ ҳарбийлар ва бошқа мамлакатлардан келган экстремистларгина қўлига қурол олиши мумкин эди. Лекин тузумнинг адолатсизлиги уларнинг ҳам йўлига тўғаноқ бўлди. Раҳнамоларнинг қочгани қочди, сотилгани сотилди. Хориждан келган «ёрдамчилар» учун эса сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди...

Ироқдаги вазиятга баҳо берганда, коалиция операцияни муваффақиятли якунлади - юртни зулм ва истибдоддан халос этди, чинакам ғалаба эса жафокаш халққа насиб этди, дейиш ўринлидир. Ўзбекистон раҳбарияти терроринг пайини қирқишга қаратилган бу операцияни қатъий қўллаб-қувватлаганида, Ироқда демократия тикланишини, мамлакат янги ҳаётга қадам қўйишини ҳам эътиборда тутган.

Зулмни шунчаки зулм десак, уни тўла очиб беролмаймиз. Шунинг учун айрим мисолларга мурожаат қиламиз. Садамга қарши исён қатнашчиси киркуклик Мам Рустам бундай дейди:

- 1991 йили Сулаймония, Арбил, Доҳукни ҳукумат қўшинларидан озод қилгандик. 21 март куни она шаҳрим Киркукка кирдик. Ҳарбийлар, хавфсизлик кучлари ходимлари ва разведкачиларни қуршаб олдик. Яқинлари ўлдирилган одамлар ғазаб билан уларга ташланди. Лекин ҳар қанча қийин бўлмасин, асир тушган 100 минг ҳарбийга зиён етишига йўл қўймадик. Алалоқибат уларни Қизил хоч вакилларига топширдик. Асирлар билан егулик бўлишганим эсимда. Бу Ироқдаги халқлар бир-бирига адоват сақламаслиги, фақат тузумгина одамларни қон қақшатиб келганига оддий бир далилдир.

Исёнчиларнинг аёллари нималарни бошдан кечиргани ҳақида Гулзор Аҳмад хоним сўзлайди:

- Жабборий қишлоғида яшардик. 1981 йили Ироқ армияси келиб, эркак ва аёлларни ажратди. Бизни юк машиналарида саҳрога олиб чиқиб ташлашди. Атроф тиканли сим билан ўралган. Кундузлари жазирама иссиқ, кечалари қаттиқ совуқ бўларди. Егулик ва сув етишмаслигидан ҳар куни бир неча киши ҳаётдан кўз юмарди. Мурдалар симдан ташқарига чиқариб ташланар, ёввойи ҳайвонларга ем бўларди. Кўпчилик ўлиб кетди. Жойдан-жойга кўчиравериб, силламизни қуритишди. Уй-жой, мол-мулкимиз мусодара қилинган эди. Лагердан қайтганимда яқинларимнинг ёрдами билангина омон қолдим. Менга ўхшаган аёллар эса юз мингдан ошади.

Эримни ўшандан буён кўрганим йўқ. Ўтган йили октябрда Ироқ ҳукумати умумий афв эълон қилганини эшитдим. Лекин Жабборийдан олиб кетилган бирорта ҳам эркак қайтиб келгани йўқ. Афв ҳақидаги эълон мен учун эримнинг ўлимини тасдиқловчи хабар бўлди.

Абу Аббос - Ироқ шиаларидан. Шифокор. Буюк Британияда яшайди:

- Ироққа охирги марта борганимда яна минглаб аёллар эридан жудо бўлганидан хабар топдим. Эрлари ё қатл этилган, ё қамоқда, ё бедарак йўқолган. Улар тузумдан норозилик билдиргани учун аёллари ва болаларига муносабат ҳам ёмон эди.

Истибдод бутун халқни қийнаб келди. Мамлакат ташқи дунёдан узилган, «Нефт эвазига озиқ-овқат» дастури қандай ижро этилаётганини одамлар билмасди. Давлат белгиланган кундалик меъёрда озиқ-овқат бериб турар, лекин унга қаноат қилиш ғоят мушкул эди. Дори-дармон, озиқ-овқат, ичимлик суви танқислигининг ўзиёқ халқнинг силласини қуритиб ташлади. Зулмга қарши бўлганлар қаторида мутлақ беайб болалар, касалланган аёллар, кексалар ҳаёт билан видолашди.

Бундай одамларнинг қай бири Саддам Ҳусайнни ҳимоя қиларди? Улар ўзи ҳам, яқинлари ҳам, қўни-қўшнисию маҳалладошлари ҳам - барчаси бир-бирига дарддош.

Ироқнинг «шонли армияси»да хизмат қилган аскарлар ҳам бу гаплардан яхши хабардор эди. Шунинг учун ҳам Саддам Ҳусайн шармандали мағлубиятга учради. Унга ички сиёсати ҳам, ташқи сиёсати ҳам адолатсизликка таянгани панд берди.

Бағдодда Саддам Ҳусайннинг ҳайкали қўпорилгани акс эттирилган видеолавҳани кўрмаган одам бўлмаса керак. Миллати, дини, ижтимоий аҳволи ва мавқеидан қатъи назар барча одамлар уни топтади. Кейин унинг суратлари, бошқа ҳайкаллари, қўйингки, Саддам шахсини ифодаловчи ҳар бир ашё шундай таҳқирланди.

Саддам шундай жазога лойиқ кўрилди.

Ҳамма экканини ўради. Зўравонликни қурол қилган Саддам беписандлик билан ўзини бундан истисно билиб келди. Юз минглаб одамлар жасадини топтаб, ҳокимият чўққисига чиққан Саддам бошдаёқ ўз сиёсатининг бош тамойилини қуйидагича белгилаб олганди: «Аввал қўрқади, кейин ҳурмат қилишга мажбур бўлади».

Айрим хабарларга қараганда, Саддам ўз китоб жавонидаги асосий ўринларни Сталин, Гитлер каби «қирғин илмининг даҳолари» асарларига ажратган.

Энди бевосита операциянинг якунларига келсак. Кузатувчан мутахассислар қуйидаги далилни таъкидламоқда: террорчилар кўнглига, ҳақиқатан ҳам, ғулғула тушган. Операция бошлангандан кейин АҚШда бирорта террорчилик ҳаракати содир этилмади. Ҳафтасига 2-3 марта бўладиган Исроилда ҳам унинг сони нисбатан камайди.

Ироқнинг ўзида қисқа вақтда, энг кам талофат билан ғалабага эришилди, Pentagon comptroller операция харажатларини 20 миллиард АҚШ долларига тенг, деб баҳолади. «Уруш ойларга чўзилади, уммонортига минглаб тобутлар юборилади, харажат юзлаб миллиард билан ўлчанади», деган «мутахассислар»нинг нафаси ичида қолди.

Афсуски, «мутахассислар» жараённинг ўзини талқин этиш, турли башоратлар эълон қилиш билан овуниб қолди. Жараённи эмас, моҳиятни идрок этганида, гап-сўзларининг ҳақиқатан йироқлиги, ўзининг адашганини англаб етармиди...

Президент Ислом Каримов операция бошланишидан анча аввал ана шу моҳиятни аниқ-равшан очиб бериб, Ўзбекистон нима учун АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалициянинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаганини атрофлича шарҳлаб берди. Бу борада иккиланиш, мулоҳазага бориш, андишага ҳожат йўқлигини тушунтириб берди. Ягона ҳақиқат шуки, ҳеч нарсадан қайтмайдиган террорчининг қўлига оммавий қирғин қуроли тушиб қолса, улкан фожеанинг олдини олиб бўлмайди. Яъни, бугун ҳаракат қилинмаса, эртага кеч бўлади. Чунки, чегаралар ҳар қанча мустаҳкам, назорат ҳар қанча кучли бўлмасин, хавфсизлик кучлари ҳар қанча яхши ишламасин, назарий жиҳатдан олганда, бундай қуролни мамлакатдан мамлакатга ўтказиш, қўлдан қўлга узатиш мумкин. Шунинг учун ҳам бундай қуролни яшириб ўтирган Саддам Ҳусайн ҳокимиятига дунёга хавф солаётган тузум сифатида қаралди. Бу тўғри ёндашув эди ва Ўзбекистон ана шу ёндашувни ёқлаб, одил йўл тутди.

Айрим «билимдон мутахассислар» эса охирги вақтларда зўр бериб, оммавий қирғин қуроли топилмаётгани ҳақида гапирмоқда эди. Лекин кўчма лабораториялар топилди. Устига-устак, бундай қуролни бутун бир мамлакатни қидириб топиш ҳам осон кечмаслигини унутмаслик керак. Чунки, ҳудуд катта, қуролнинг таркибий қисмлари эса оддий минерал ўғит ҳам бўлиши мумкин.

Хуллас, Ироқда халқ ғалаба қозонди, дейишга барча асослар етарли. Мамлакат улкан салоҳиятга эга. Тикланиш лойиҳалари жиддий муҳокамада. Бу мавзуда сўз юритилар экан, иқтисодчилар иккинчи жаҳон урушидан кейинги Япония ва Германияни эсга кўп оляпти. Имкониятлар етарли, ёрдам қўлини чўзаётганлар кўп. Демак, Ироқ демократия тамойиллари қарор топган, иқтисодий жиҳатдан ўзига тўқ мамлакатга айланишига шубҳа йўқ. Энг муҳими, энди фаровон ва тинч ҳаёт йўлига Саддам ва унинг сиёсати тўсқинлик қилмайди, дунёдаги террорчилар атрофидаги тўр эса янада таранглашди. Ва террор яқин орада чок-чокидан ситилиб кетиши аниқ.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

«ПЛАСТЕКС» ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Бундан икки йил олдин иш бошлаган «Пластекс» хусусий корхонаси Зангиота туманидаги етакчи тадбиркорлик тузилмаларидан бирига айланди.

Тадбиркор Р.Содиқов 1 миллион 200 минг АҚШ долларига Италиядан сув қадоқлашда фойдаланиладиган капсулалар ишлаб чиқарадиган технология сотиб олди. Шу пайтга қадар бу маҳсулот четдан келтирилар эди.

Корхона иш бошлаган дастлабки йилда бир тонна капсула ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 15 тоннага етди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли хил пластмасса буюмларининг бозори чаққон. Харидор талабидан келиб чиқиб, маҳсулотлар тури ва ҳажми муттасил кўпайтирилмоқда. Корхона учун зарур бўлган хомашё эса Жанубий Корея, Хитой ва Россиядан келтирилмоқда.

Ўтган йили истеъмолчиларга 650 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берган корхона шу йилнинг биринчи чорагида бир миллиард сўмлик даромад олди. Айни вақтда маҳсулотнинг бир қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Экпорт ҳажми ўтган 2002 йилда 230 минг АҚШ долларини ташкил қилган эди. Жорий йилнинг шу пайтигача 70 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Иқтисодий фойда корхона фаолиятини янада такомиллаштириш, жамоа аъзоларини моддий рағбатлантириш, шунингдек хайр-саховат ишларини амалга ошириш имконини бермоқда. Корхона яқинда туман мактаблари учун 300 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берди.

«13 июня в 10.00 в помещении административного здания ОАО «5-Таксисарой» по адресу ул.- Арнасайская, 7а состоится внеочередное Общее собрание акционеров ОАО «5-Таксисарой».

Повестка дня собрания:

1. Внесение изменений в Положение о наблюдательном совете АО. ревизионной комиссии и трудовой договор о найме руководителя.
2. Включение оценочной стоимости ГНС в Уставный фонд ОАО.
3. Переизбрание состава ревизионной комиссии ОАО.

"Умид ниҳоллари-2003"

ҲАЯЖОНЛИ ОНЛАР

Бадиий гимнастика бўйича беллашувларнинг мусобақа дастурига киритилганлиги шогирдларимиз қатори бизни ҳам қувонтириб юборди. Мазкур спорт тури бўйича баҳсларнинг юксак савияда ўтказилганлиги эса бир қувончимизга ўн қувонч қўшди.

1985 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикасида бадиий гимнастика бўйича ёшларга сабоқ бериб келяпман. Мусобақага пухта тайёргарлик, шу билан бирга катта ҳаяжон билан ташриф буюрган эдик. Бугун қатнашувларимиздан зўр қониқиш ҳис қилган ҳолда уйимизга қайтаяпмиз. Негаки, ён қўшнимиз бўлган қадим Хоразм воҳаси аҳли бизни очиқкўнгиллилик билан кутиб олди, бу ерда ўтган кунларимиз унутилмас кунларга айланди.

Гулбаҳор БОБОЖОНОВА,
мураббий,
Қорақалпоғистон Республикаси

ЮРТИМНИ УЛУҒЛАЙМАН

Хоразмга келиб кўплаб дугоналар, дўстлар орттирдим. Ҳар бир кунимиз қувноқлик, шодлик билан ўтди. Энди мусобақаларга тўхталсам, кўплаб халқаро турнирларда тўплаган тажрибам қўл келди. Синглим Насиба билан кўнгилдагидек дона сурдик. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари биз ёшларга кўрсатилган юксак меҳрибонлик ва катта имкониятдир. Бинобарин, юрт шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифани адо этишда айнан мана шундай мусобақаларда орттирилган маҳорат ва тажриба жуда қўл келади. Шу маънода, Ўзбекистонимиз байроғини юксак кўтаришга, мамлакатимиз спорт шарафини улуғлашга ваъда бераман.

Нафиса МЎМИНОВА,
шоҳмотчи, Фарғона вилояти

Муборак тиббиёт коллежида 800 нафардан ортиқ талаба таҳсил олади. Бу ерда ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий ўқув даргоҳи қайтадан таъмирланиб, қулайлик яратилаётир. Ўқув амалиёт билан қўшиб олиб борилаётганлиги ёшларни янада мукаммал билимга эга бўлишларини таъминлаётир.

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Шавкат СУЛТОН
олган суратлар

САХОВАТЛИ ҲОМИЙЛАР

30 миллион сўмлик спорт анжомлари тақдим этишди

Ибрат

Нефт-газчилар маскани Муборакда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Туманнинг «Машъал» клуби футболчилари олий лига мусобақаларида муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Кейинги пайтда шаҳарда бир-биридан чиройли ва кўркам спорт иншоотлари қад кўтарди. Туман ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши туфайли яқинда барча қулайликларга эга «Ёшлар спорт мажмуи» фойдаланишга топширилди. Бу иншоотнинг қуриб битказилиши Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масала бўйича қабул қилинган қарорига амалий жавоб бўлди.

70 миллион сўмлик қурилиш-ускуналаш ишлари амалга оширилган спорт мажмуаси Косондаги 32-хўжаликлараро механизациялашган очиқ ҳиссадорлик жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.

Жисмоний чиниқиш масканида ёшлар учун ҳамма қулайликлар мавжуд. Ҳомийлар томонидан 30 миллион сўмлик спорт жиҳозлари тақдим этилди. Бир кунда 5 минг нафар йигит-қиз спортнинг каратэ, дзюдо, футбол, волейбол, бокс, кураш, стол тенниси каби ўндан ортиқ тури билан шуғулланишлари мумкин. Мажмуада ювиниш, тиббий кўрикдан ўтиш хоналари ва буфет ишлаб турибди.

Чўл туманининг бу гавжум масканида 2005 йилда касб-ҳунар коллежлари ўртасида «Баркамол авлод» спорт мусобақалари республика босқичининг бокс ва футбол тури беллашувлари ўтказилади.

И.ИСОМУДДИНОВ

2003 йил — Обод маҳалла йили

МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

демократик тамойиллар ҳаётга изчил татбиқ этиладиган маскан

Демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун ҳар бир шахс ўз давлати, халқи, уни катта умидлар билан тарбиялаган ота-онаси, бир сўз билан айтганда, жамият олдидаги муқаддас бурчини адо этиши керак. Ана шу жараёнда маҳалла катта куч, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир.

Зеро, у фуқаролар интилиши ва саъй-ҳаракати туфайли муайян миллий ахлоқий ва маиший тартиб-қоидаларга риоя қилиш, яхши-ёмон кунларни бирга ўтказишда баҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қиладиган ижтимоий-иқтисодий ва ҳудудий жамоа сифатида бекиёс имкониятларга эгадир.

Бугунги кунда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва уларнинг раисларига катта ваколатлар берилган. Фуқароларнинг моддий ёрдам таъминоти, маданий-маънавий турмуш муаммолари мана шу органлар томонидан бошқарилмоқда. Ҳозирги кунда оилаларнинг маънавий-маданий қизиқишлари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган бошқа тузилма йўқ. Маҳалла аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг арзларига биринчи бўлиб қулоқ тутадиган жамиятимизда ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланиб бормоқда.

Бу юмушларни амалга оширишда маҳалла оқсоқолларининг роли катта. Улар ростгўй, камтар, олижаноб, адолатпарвар, фуқаролар учун астойдил қайғурганлари тақдирдагина иш олдига босиши мумкин. Шундай маҳалла тинч ва осойишта бўлади. Ўтказиладиган тадбирлар меъёрида, турли исрофгарчиликларга, дабдабабозликларга йўл қўйилмайди.

Маҳалла — маънавият маскани сифатида баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериши, турли-туман тўгараклар, спорт майдонлари ташкил этиши даркор. Чунки кўпгина спорт тўгараклари пулли бўлганлиги сабабли кўпчилик ота-оналарнинг бунга қурби етмайди. Натижада, кўчада қолган ўсмир йигитлар нохуш ишларга қўл уради. Кундалик ҳаётимиз ва жамият тараққиётининг деярли ҳамма масалалари ва муаммолари маҳаллада намоён бўлади ва ечимини топади. Маҳаллада ташкилий ишларнинг маромида юритилиши, ёлғиз қарияларга ва уруш ҳамда меҳнат фахрийларига, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ижтимоий-моддий ёрдам, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш, жойларда санитария ва экология масалаларига қилинган эътиборни ошиб бораётгани, бу борада жиддий фаолият юритилаётгани ва талайгина ишлар қилинаётгани бугунги маҳалла ҳаётининг воқелигидир.

Биз юксак маънавиятли, ҳуқуқий демократик давлат барпо этар эканмиз, «XXI аср маҳалла концепцияси»га амал қилган ҳолда иш тутишимиз зарурдир.

Концепцияда фуқаролар йиғини — маҳаллалар ҳудудида фаолият кўрсатадиган ўзини-ўзи бошқариш органларининг энг юқори орган сифатида аҳоли манфаатларини ифодалаб ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида таъкидланган. Концепция қоидаларини ҳаётга татбиқ этишдан мақсад давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш орқали давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришни таъминлаш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир.

Давлат бу муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бутун чоралар билан кўмаклашмоқда. Дарвоқе, ўзини-ўзи бошқаришнинг республикамизда ўрнатилган усулини демократиянинг мукаммал шакли эканлигини хорижий мамлакат мутахассислари ҳам эътироф этмоқдаларки, бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Давлатимиз раҳбари 2003 йилни бежизга «Обод маҳалла йили» деб эълон қилмадилар. Бу кенг маъно касб этади.

Аввало «Обод маҳалла» деган ибора замирида теран маъно бор. Обод деганда, нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қиламиз.

Мустақилликка эришганимиздан кейин қадриятларни тиклаш ва улуғлаш, буюк авлиё ва мутафаккирларимизнинг ҳоки ётган қадамжоларни обод қилиш, аждодларимиз меросини ўрганиш борасида жуда кўп ишлар, тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки бусиз биз буюк келажагимизни тасаввур этолмаймиз. Миллатимизнинг томири, тарихи қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлишини тобора теранроқ англаб бормоқдамиз.

Бу қадриятларни тиклаш, улуғлаш, аждодларимиз қолдирган меросни ўсиб келаётган ёш авлодга сингдириш борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Бунда маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

Маҳалла одил фуқаролик жамият қуришимизда асосий таянчимиз бўлганлиги учун ҳам унинг ваколатлари ва ҳуқуқлари бундан буён ҳам кенгайиб боради ва у эл-юрт осойишталиги, равнақи, фаровонлиги ва жамоатчилик салоҳиятининг юксалиши йўлида хизмат қилаверади.

Севара НУРМАТОВА

Биласизми?

Ўзбек чойхонасининг пайдо бўлиш тарихи, унинг аҳолига кўрсатаётган хизматлари тўғрисида кўплаб маълумотлар бор. Чойхона меъморчилигига доир фикрлар ҳам турлича. XIX аср охирлари ва XX аср бошларида чойхоналар хом ғишт, гувала ёки эски-туски ёғочлардан чўпгарлик услубида бино қилингани учун уларнинг намунаси сақланиб қолмаган.

ЧОЙХОНАДА

Иккинчи босқич 1920-1950-йилларга тўғри келади. Эски чойхоналар ўрнида янгича чойхоналар ташкил қилиниб, ҳатто 1930-йиллардан бошлаб алоҳида «қизил чойхона»лар ҳам қурила бошланган. Бу чойхоналар биносига ҳар хил архитектура безаклари тушириб, сайқал берилган, айниқса, пахта кўсаги шаклини манзарали элемент сифатида ишлатиш кўпроқ расм бўлган.

1950-йиллардан бошлаб чойхона тарихида учинчи босқич бошланди. Бу даврда Ўзбекистонда қадимги анъанавий чойхоналар қурилишига алоҳида эътибор қаратилди. Бундай чойхоналар истироҳат боғларида, сув бўйларида ва хўжалик марказларида халқ усталари томонидан бунёд этилди. Сўнг ресторан, кафе, савдо маркази, меҳмонхона ва умумий овқатланиш мажмуалари таркибида ҳозирги замон чойхоналари қуришга киришилди.

Кейинги йилларда уй-жой бинолари қуриш авж олиши билан янги типдаги чойхоналар бунёд этилмоқда.

Бундай чойхоналар аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда ва халқ ўртасида жамоатчилик руҳини сақлашда катта хизмат кўрсатаётир. Бир сўз билан айтганда, чойхоналар аҳолининг мириқиб ҳордиқ чиқара оладиган ҳақиқий оромгоҳларига айланиб қолди.

А.АКБАРОВ

Турмуш чорраҳаларида

Қишлоқ мактабларидан бирида шундай воқеа юз берди...

Муаллима синфга киргач, ўқувчиларга «Бугун сиз билан иншо ёзамиз, - деди. - Оилангиздаги ўзаро меҳр ҳақида, ота-онангизнинг яхши фазилатлари тўғрисида нимаики ўйласангиз, шуни қоғозга туширинг!»

ОИЛАДАГИ МЕҲР

Шу куни тунда ўқувчиларнинг дафтарларини бирма-бир варақлаётган муаллима бир қизнинг иншосига келганда тааж-жубланди.

«Бизнинг оиламиз мақтагулик эмас, - деб ёзилганди унда. — Отам билан онам иккалови чой устидаям, ош устидаям доимо уришади. Чунки, отам кўп ичади, буни кўриб онам жанжал бошлайди. Эртасига яна шу аҳвол. Маст бўлиб ярим тунда келган отам бизни уйғотиб бирма-бир сўроққа тутади. «Мен йўғимда уйга ким келди?» деб сўрайди. «Ҳеч ким келгани йўқ» десак, «Сизлар ёлғон гапираяпсизлар» деб бақиради. Ҳар куни кечқурун мен ва укаларим хомуш бўлиб қоламиз. «Отам бугун яна қандай томоша кўрсаткин?» деган фикр ҳар биттамизнинг хаёлимиздан ўтаверади. Бизнинг оиламизда ўзаро ишонч йўқ, жанжал бор. Меҳр йўқ, ҳақорат бор...»

Муаллима ортиқ ўқиёлмади. Кўзларидан дувуллаб ёш қуйилди.

Эртасига мактабда педагогик кенгаш ўтказилди. Ўқувчиларнинг кайфияти, ўқишга муносабати ва дарсларни ўзлаштиришга оиладаги муҳитнинг таъсири ҳақида сўз юритилди. Ота-оналар билан бу хусусда алоҳида суҳбат ўтказиш режаси белгиланди. Аммо... Баъзи хонадонлардаги носоғлом муҳитни ўзгартириш ўқитувчининг қўлидан келармикан?!

Оиладаги меҳр... Биз шу ҳақда ўйлаб кўрганмизми, ҳеч? Хонадоннинг ҳар бир аъзосини бир-бирига қалбан яқинлаштириб, эртанги кунларга ишонч ва умид ҳиссини уйғотувчи, вужудига куч-қувват, кўнглига ёруғлик солиб тургувчи ана шу меҳр эмасми, аслида?!

Ўз оиласида ардоқланмаган одам кимдан меҳр кутади? Кимга суянади? Кимга дардини айтади?

Бир нотаниш аёл таҳририятга шундай мазмунда мактуб йўллайди:

«... Одамларнинг назарида биз энг бахтли оилалардан бири саналамиз. Чунки, икки ўғил, бир қизимиз бор. Эрим каттакон бир идоранинг раҳбари. Ҳеч нарсага зориқмай яшаяпмиз. Лекин... Мана ўн йилдан ошдики, эримнинг бирор марта уйга эртароқ қайтиб, биз билан хушчақчақ гаплашиб ўтирганини эслолмайман. Нуқул ярим кечада, ширакайф ҳолда кириб келади. Ҳатто ўз фарзандлари билан бир зум гаплашмоққа ҳоли йўқ. Эрта саҳарда туриб яна кўчага шошади. Мен эса худди устига юк ортилган оғир бир аравага ўхшайман. Уй, ишхона, боғча, мактаб, дўкон, бозор... Бу арава кунига ана шу манзиллар ичра айланиб юради. Байраму ҳайитларда болаларимнинг боғча опаларига, муаллималарига совғалар улашаман, гуллар тутқазаман. Аммо бирор кимса менга ҳам яхши сўз айтиб, бир дона гул узатмайди! Барчага меҳр бераману, ўзим эса меҳрга зорман. Қўни-қўшниларим менга ҳавас қилишиб, «Сиз бахтли аёлсиз» дейишади. Бироқ, қани ўша бахт?

Очиғи, тўйимиздан кейинги бир йил ичида эру хотин иккаламиз иноқ, бир-биримизга парвона эдик. Ҳеч бир ҳашамсиз, бўмбўш хоналарда тонгга қадар ширин суҳбатлар қурардик. Орзуларга берилардик. Ўша кунларнинг бирида эрим менга: «Ҳали кўрасиз, бизнинг ҳамма нарсамиз бўлади!» деди. Айтгани келди. У бор кучи, билимини сарфлаб, катта лавозимларга кўтарилди. Сўнгра фарзандларимиз бирин-кетин дунёга келишди. Тезда бойиб кетдик. Энди ҳамма-ҳамма нарсамиз бор. Лекин бир пайтлардаги ширин суҳбатлар, ўзаро меҳр-муҳаббат энди йўқ... Ҳатто энг қимматбаҳо буюм ҳам йўқолган қадр-қимматнинг, унутилган меҳрнинг ўрнини босолмас экан! Ўша ҳувуллаган уйдаги меҳрли лаҳзаларни соғинавераман. У ёруғ кунлар яна оиламизга қайтармикин, дея ўйлайвераман...»

Аёл табиатан чиройли буюмларга, зебу зийнатларга ўч. У доимо дунёдаги энг гўзал аёлга айланишини истайди. Имкони топилса, шу орзусини амалга оширади. Аммо, аёл шу билангина кифояланиб, ўзини бахтиёр ҳисоблармикан? Асло! Ҳатто бир неча юз сидра буюмлари бор бўлган ҳар қандай аёлнинг ҳам ҳаётдан ўз талаблари, руҳий эҳтиёжлари бор. Руҳий эҳтиёжи тўлиб-тошган аёлга ҳеч қандай моддий бойлик етарлича бахт беролмайди. Аксариятимиз, «Рўзғори бадастир, ўзи шойи ипакларга бурканган бўлса, аёлга бундан ортиқ яна не керак?» деган фикрда юрамиз. Аксинча, аёл атрофдагиларнинг ўзига эътиборли бўлишини, яхши сўз айтиб меҳр кўрсатишини ҳар лаҳзада кутиб яшайди! Ич-ичидан ўзини шунга лойиқ сезади...

Ҳаёт қизиқ. Биз ҳар ишни бошлашда кўпинча теварагимиздагилар билан ҳисоблашамиз, уларнинг ўй-хаёллари билан қизиқамиз, кийинишда, ўзимизни тутишда ўзгалар нуқтаи назарини билгимиз келади. Лекин ўзимиз билан бирга яшаётган кишини бундай вақтда унутамиз. У ҳам биз ҳақимиздаги фикри, нуқтаи назари ва муносабатини билдириши мумкинлигини негадир хаёлимизга келтирмаймиз. Нега? Нима учун?

«Ишхонамда мен билан боғлиқ юз берган кўнгилсизликдан анча вақтгача эзилиб юрдим, - дея кўнглини очади дугонам Нигорахон. — Эримнинг бўлса парвойи палак. Бир куни хун бўлиб йиғлаётганимни кўриб, шошиб қолди. «Ие, нима бўлди? Уйда ҳамма нарса етарлими? Ма, ўзингга бирор нарса сотиб ол!» дея қўлимга бир қисим пул тутқаздию сўнг ишга жўнаб қолди. Эрим чиқиб кетгач, нимадир сўраб қўшни аёл кирди. «Кўпдан бери дилингиз хира, сингилжон. Дардингизни айтинг, енгил тортасиз» деди. Йиғлаб юбордим. Қаранг, шунча йил бирга яшаган кишим шу қўшничалик бўлмадия...»

Оиладаги меҳр аслида эркак ва аёлнинг бир-бирини тушуниши жараёнида мукаммаллашади. Тушуниш эса кашф этмоқ билан баробар. Сиз одамларни англаб етмоқ учун аввало ёнингиздаги кишининг юрагига қулоқ тутинг. Ундан меҳрингизни дариғ тутманг. Эҳтимол, шунда меҳр ўзингиз ўлчаган қолипларга сиғмаслигига, балки у жуда юксак туйғу эканлигига амин бўласиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Зиё

КЎЧМА КУТУБХОНА

Фориш тумани марказида фаолият кўрсатаётган марказий кутубхонанинг ташкил этилганига ўттиз йил бўлди. Ўтган йиллар мобайнида унинг тармоқлари кенгайтирилиб, китоб фонди бойиб борди.

– Кутубхонамиз мослаштирилган бинода жойлашган. Шароитлар яхши. Ўқув зали мавжуд, – дейди кутубхона мудири Норбек Каримов. – Турли тадбирлар, бадиий кечалар, китобхонлар билан учрашувлар ўтказиб турибмиз. Кўчма кутубхона ҳам ташкил этганмиз. Айни дамда 8 та ташкилот, корхонага адабиётлар етказиб беряпмиз.

Сўнгги икки йилда 600 дона ёки 372 минг 560 сўмлик бадиий, сиёсий адабиётлар сотиб олинди.

Суратда: кутубхоначилар Феруза Тошпўлатова ва Туйғуной Асқарова.

Касаба уюшмалари тизимининг ўзгартирилиши муносабати билан савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шаклларидаги ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшма қўмитаси ҳамда шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимларини касаба уюшма қўмиталари бўйича даъволар Тошкент шаҳар кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма кенгаши томонидан қабул қилинади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар
Амир Темур кўчаси, 60-а уй.
Тел: 34-91-58

Бу турфа олам

ЭНГ УЗУН КЎПРИК

Европадаги энг узун кўприк Голландияда қурилган. Унинг бу чеккаси билан нариги томони орасидаги масофа 5022 метр келади.

Бу улкан иншоот Шимолий денгиздаги Схаувон оролини қуруқликдаги Норд Бевеленд вилояти билан улайди. Кўприкни қирқ саккизта «Л»симон темир тиргак елкасида кўтариб туради.

ТЎРТ БУКЛАНАДИГАН ЧЕЛАК

Канада билан баъзи бир бошқа мамлакатларда 20 литрча сув сиғадиган челаклар сотила бошланди. Сайёҳларга мўлжалланган бу челакларни ишлатиб бўлгандан кейин тўрт буклаб, чўнтакда олиб юрса бўлаверади.

Чунки челаклар полиэтилендан ясалган.

МОДЕЛЛАРНИНГ БИРИНЧИСИ

Исроилдаги Хайфа техника университетининг Аэронавтика ва космонавтика факультети талабалари учувчисиз, товушдан тез учадиган самолёт моделини яратишди.

«Облиджейт» деб номланган мазкур самолёт ихтирочиларининг айтишларича, бу лойиҳа жаҳон бўйича шу турдаги моделларнинг дастлабкисидир.

А.АЛИЕВ тайёрлади

Ўзбекистон кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмасининг Марказий Кенгаши жамоаси ва раёсати «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси Молия бошқармаси бошлиғи, раис муовини, республика тармоқ касаба уюшма Тафтиш комиссиясининг раиси Жўрақўзи Исоқовга волидаи муҳтарамаси **МУҲАРРАМХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс
ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373.
1 2 3 4 5 6